



**Халқимизнинг ақл-заковати
ва фидокорона меҳнати билан
бунёд этилган ушбу мажмуа
Янги Ўзбекистонни барпо этиш
йўлидаги яна бир салмоқли,
зафарли натижа бўлди.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ



**Шу йилнинг
23 август куни
Самарқандда «Буюк
ипак йўли» халқаро
туризм маркази
фойдаланишга
топширилди**

Фото: daryo.uz

ДУНЁГА ОЧИЛАЁТГАН ЯНА БИР ДАРВОЗА

Марказнинг тантанали очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Мазкур марказни бунёд этиш ғояси 2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ва бундан амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижлик мутахассислар жалб этилган ҳолда лойиҳа ишлаб чиқилди. Самарқанд туманидаги эшак эшик канали бўйида, 212 гектар майдонда барпо этилган мажмуа лойиҳаси бир неча бор муҳокама этилиб, такомиллаштирилди.

Курилиш ишларига киришилгандан кейин ҳам давлатимиз раҳбари ҳар гал Самарқандга ташриф буюрганда мазкур объектда бўлиб, жараёни кузатди. Бино ва иншоотларни бунёд этишда миллий меъморчилик анъаналаримиздан самарали фойдаланиш, бу ерга келаётган меҳмонлар, сайёҳлар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Мажмуадаги қурилиш ишлари йилнинг тўрт фаслида, тун-у кун, ҳатто, пандемия даврида ҳам давом этди. Натижада том маънода халқимизнинг бунёдкорлик ишлари тимсоли сифатида кўп тармоқли туристик марказ яратилди.

8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, «Боқий шаҳар» мажмуаси, амфитеатр ва кўпжақ бошқа иншоотларни ўз ичига олган, йилига 2 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга мажмуа нафақат Самарқанд, балки бутун Марказий Осиёдаги қисми йўқ сайёҳлик марказига айланди. Бу ерда маданий, гастрономик, тиббий, ишбилармонлик туризми объектилари бирлаштирилди.

Комплекс бир неча бўлимдан ташкил топган бўлиб, Эшак эшик каналининг шимолида конгресс маркази ва ландшафтлар билан безатилган тўртта ҳашаматли меҳмонхона ўз ичига олган бизнес кластер жойлашган. Жанубий кластерга ҳар бирининг ўзига хос даволаш-санаторий йўналишига эга бўлган тўртта butik меҳмонхона, шунингдек, экожишлов, «Боқий шаҳар» тарихий-этнографик мажмуаси, савдо майдончалари қиради.

Эшак эшик каналининг шимолий ва жанубий қисмида тўрттадан

меҳмонхона қурилди. Мазкур комплексдаги меҳмонхоналар жами 1200 хонадан иборат. Мажмуадаги 22 қаватли иккита меҳмонхона беш юлдузлик, қолган 6 та меҳмонхона эса тўрт юлдузлик ҳисобланади.

Конгресс марказининг чап томонида 22 қаватли беш юлдузлик «Samarkand Regency Amir Temur» меҳмонхонаси 233 хонадан иборат бўлиб, жумладан, мазкур меҳмонхонада президент номерлари ташкил этилди. Бу жаҳоннинг етакчи меҳмонхоналари ассоциациясига киритилган Марказий Осиёдаги биринчи ва ягона меҳмонхона бўлади. Бошқа юқори даражадаги меҳмонхоналар – 241 хонали 22 қаватли «Silk Road by Minyou» ва Темирйўллар даврининг буюк астрономи ва математиги номи билан аталган «Liа by Minyou Stars of Ulugbek» меҳмонхонаси 170 хонадан иборат. Иккала бино ҳам Осиёдаги етакчи меҳмонхона бренди остидаги «Minyou Hospitality» компанияси томонидан бошқарилади.

Мазкур мажмуада бунёд этилаётган барча меҳмонхоналар конференция заллари, мажлислар заллари, ресторанлар, барлар, фитнес заллари ва бассейнлар билан жиҳозланади.

Мажмуа ҳудудида бунёд этилаётган «Конгресс маркази» лойиҳаси ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Конгресс маркази бир пайтнинг ўзида 3 500 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, унинг асосий банкет зали «Grand Ballroom» 3 300 м.кв. майдонни эгаллайди, шундан, «Боқий шаҳар» ҳудудида Ўзбекистоннинг 14 ҳудуди амалий санъат усталари ва рассомлари ижоди, хунармандчилик анъаналари намойиш этилади. Хунармандлар учун

барча шарт-шароитга эга 40 га яқин хона зарурий хунармандчилик ускуналари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, санъатшунослар галереялари, рассомлар ва фотосуратчилар учун алоҳида жойлар ажратилган.

Мажмуа ҳудудида тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга 3 та кулчилик цехи, 2 та темирчилик устахонаси, 1 та Самарқанд қоғози тайёрлаш устахонаси, 3 та дастгоҳлар билан жиҳозланган гилам тўқиш цехи, 3 та тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган ипакчилик цехи, 3 та заргарлик устахонаси фаолият кўрсатади. Ёғоч ўймакорлиги устахоналари ва бошқалар ўз ишини бошлайди. Шунингдек, ширинликлар, зирavorлар, мевалар, сувенирлар, кўча мусиқачилари, чиқшилар ва бошқа кўп нарсаларнинг шарқона бозори бўлади. Миллий таомлар тайёрлайдиган иккита йирик ресторан фаолияти йўлга қўйилади.

Уч йил олдин бу жойлар Самарқанд эшак эшик канали ва спорт мактаби биноларини ҳисобга олмаса, очик майдон эди, – дейди жомбойлик меҳнат фахрийси Гулнора Аҳмедова. – Янги Ўзбекистон бунёдкори, хурматли Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан бу ерда Самарқанд халқаро сайёҳлик марказини қуришга киришилганда кўпчилик бу лойиҳа қисқа фурсатда амалга оширилишига унчалик ишонмаганди. Ўзимиз ҳам Чўпонота тепаликларида Самарқанд шаҳрига бориб келишда узоқдан бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб «икки-уч йилда бу ерда марказ битармикан, обод бўлармикан», деб ўтардик. Қаранг, 200 гектардан ортиқ жой уч-тўрт йил ичида кўркам масканга айланди, очик майдонда янги бир шаҳарча пайдо бўлди. Одамлар бу жойни «Самарқанд сити» ҳам деб аташяпти. Ҳақиқатан «сити» деганларича бор – замонавий, кўркам, киши баҳри-дили очилади.

Бу мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми. Давлатимиз раҳбари бундай марказлар келгусида юртимизнинг

бошқа ҳудудларида ҳам бунёд этилишини таъкидлади. Бу эса кейинги беш йилда мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонини ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга етказишга хизмат қилади. Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар 500 минг нафардан ошади.

Тантанали маросим «Боқий шаҳар достони» мусикали композицияси билан давом этди. Мирзо Улуғбек расадхонасидан андаза олиб яратилган амфитеатр саҳнасининг ўзига хос декорацияси ва замонавий техник имкониятлари бадиий дастурнинг нафақат куй-қўшиқ ва рақслар, балки, ранг ва тасвир, турли чироқлар ёғдуси орқали тўлақонли ифода этилишига хизмат қилди.

Мазкур мусикали композиция кичик бир усталар қишлоғида дунёга келган йигитнинг ҳикоясига асосланган. Қизикарли саёҳатлар ҳақидаги китоблардан илҳомланган йигит узоқ сафарга отланиб, йўл давомида билимларини бойитиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга турли синовларни енгиб ўтади. Узоқ йўлни босиб ўтган йигит ажойиб масканга қадам қўяди ва бу ерда қачонлардир тушида қиёфаси пайдо бўлган қизни учра-

тади. У билан турмуш қуради ва яна ўз юртига қайтиб, ижод қадр-қиммати ҳақиқатини англайди. Кум, юлдузлар, шамол ва сувдан орзулар шаҳри, яъни Боқий шаҳарни бунёд этади.

Халқимиз ва дунё санъати уйғунлашган мазкур мусиқий ҳикояни яратишда юртимизнинг таниқли санъаткорлари ва бадиий жамоалари билан бирга хорижлик ижодкорлар ҳам иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида Самарқанднинг «Буюк ипак йўли» мажмуасидан таралган наволар ва ёғдулар олис-олисга етиб, мамлакатимизда катта байрам тантаналари бошланаётганидан садо берди.

Сентябрь ойида мазкур янги мажмуа ШҶТ саммитига мезбонлик қилади. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг бу галги учрашуви ҳам «Буюк ипак йўли» мажмуасида ўтказилади. Келгуси йилда эса Самарқандда Европа тикланиш ва тараққийот банки бошқаруви Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ўтказилади.

Бу ва бошқа тадбирлар Самарқанд дунёнинг асосий сиёсий мулоқотлар майдонига айланиб бораётганидан далолат беради.

**Ғолиб
ҲАСАНОВ**
(«Ishonch»
учун махсус
тайёрланди)

КҮН НАФАСИ



Президент Шавкат Мирзиёев 24 август куни амалий ташриф билан Самарқанд вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов мақбарасини ҳам зиёрат қилди.

Шунингдек, Самарқанддаги бунёдкорликларни кўздан кечирди.



Самарқанд вилояти

МАҚСАД БИР, қарашлар муштарак

МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ САЙЁР ҚАБУЛЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИСИ САМАРҚАНД ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ



Тошкент шаҳри

Халқаро қишлоқ хўжалиги университетиде касабани уюшмаларининг асосий вазифалари, ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш, мамлакатимизда энг оммавий ташкилотнинг ўрни, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш юзасидан анжуман ўтказилди.

Биз ҳам бир ёндан

Бошланғич ташкилот тузилди

Тадбирда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари иштирок этиб, 40 нафардан ортиқ ходимга фаолият тартиби ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

Сўхбат якунида Халқаро қишлоқ хўжалиги университетиде касабани уюшма ташкилоти тузилди, 3 нафар кишидан иборат касабани уюшма кўмитаси аъзолари сайлаб олинди.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими

Сайёр қабул

таъминлаш, ходимлар ҳамда улар оила аъзоларига имкон яратиш ҳаракатида бўлмоқда. Ходимлар меҳнатини ташкил этиш, уларга кўшимча имтиёз ва афзалликлар яратишда ҳам силжишлар бор. Энг муҳими, соҳа ходимларининг кўмита таркибига бирлаштирилиши ходимлар меҳнати ва дам олишларини ташкил этиш, маданий-маърифий тадбирларда қўл келяпти. Тармоқ касабани уюшмаси Республика кенгаши Самарқандда ташкил этган бир қатор тадбирлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини юритиш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашдаги камчиликларга барҳам берди.

Касабани уюшмалари кўмаги, амалий тавсиялари билан бир қатор бошланғич ташкилотларда ходимларга кўшимча имтиёз ва афзалликлар яратилди. Хусусан «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бошланғич касабани уюшма ташкилоти ва маъмурият қатор келишувларга эришди. Бу жамоада техник ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, ходимларга барча шароитларга эга жисмонан чиниқиш зали ва ошхона фаолияти йўлга қўйилди. Айтилганда тизимдаги бир қатор муассасаларда ҳам ходимлар шароитини талаб даражасида ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Сайёр қабул доирасида Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов, тармоқ касабани уюшмаси Республика кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов, «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Фармон Тошев, меҳнат фахрийси Бозорбой Муҳаммадиев ва бошқалар соҳадаги бир қатор муаммолар ва уларнинг ечими йўлида имкониятларни бирлаштириш хусусида мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ маданият, спорт ва туризм касабани уюшмалари фаоллари рағбатлантирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»




Сурхондарё вилояти

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабани уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган кўмитаси таркибига 136 та корхона, муассаса, тадбиркорлик субъекти, кичик ва оилавий корхона бошланғич ташкилотлари кирди. Аъзолар сони 14368 нафарни ташкил этади.

Яқинда кўмитага 15 нафар ишчи-ходимдан ариза келиб тушди. Масала мутахассислар томонидан жойида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармасининг икки нафар ишчиси ноқонуний ишдан бўшатилгани бошқарма бошлиғига ётиги билан исботлаб берилди. Натижада улар қадрдон жамоаси ва ўз севган касбига қайтди.

Бирлашган кўмита раиси Абдулхамид Қўзимуродовнинг саяё-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тизимда фаолият кўрсатган 40 нафар ишчи-хизматчи республикамиздаги сиҳат-гоҳларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, ишчи-ходимларнинг 162 нафар фарзанди ёз мавсумида вилоятдаги «Бешбулоқ-Шеробод-Сурхон», «Амударё» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам

Фаоллар ҳақида ҳикоялар



40 йиллик тажриба мактаби

олдирилди. Уларнинг 70 нафари тизимда меҳнат қилаётган ногирон ва кўзи ожиз фуқаролар ўғил-қизлари бўлиб, тўловлар бирлашган касабани уюшма кўмитаси маблағлари ҳисобидан қопланди.

«Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида Термиз туманига республикадан вакил Абдулхамид Қўзимуродов ташаббуси ва саяё-ҳаракати билан 16 нафар аёл уй-жой билан таъминланди, — дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳаммадиев. — 40 йил бир тизимда раҳбар бўлиб, ишчи-хо-

димларнинг ишончини оқлаб ишлаш жуда оғир ва мураккаб. У бунга оққунчилиги, беғаразлиги ва самимийлиги сабаб эришган.

Абдухамид ака билан суҳбатлашганимизда Сароисий туманидаги «Сардор-Парвин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тармоқ ходимларининг анъанавий «Саломатлик» спартакиадасини ташкил этаётганини айтди.

Тажрибали касабани уюшма фаолининг ишларига муваффақиятлар тиладик.

Рустам ДАВЛАТОВ
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

УСТОЗЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши тасаруфиде 1945 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар 186 минг 572 нафар аъзони бирлаштирган. Аъзолик афзалликларини тушунтириш орқали ўтган олти ой давомида 193 та нодавлат секторда бошланғич касабани уюшма кўмитаси тузилиб, салкам 600 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди.

Мурожаатлар ортида инсон тақдирини туради. Буни яхши англаган ҳолда аъзолардан келиб тушаётган оғзаки ва ёзма мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқирилиши доимий назоратга олинган. Ўтган давр мобайнида 4 минг 977 та ёзма, 284 та оғзаки мурожаат келиб тушгани ҳолда уларнинг 4 минг 942 таси қаноатлантирилиб, ижобий ҳал этилди.

Байрамлар арафасида фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш анъанага айланган. Яқинда уларнинг 76 нафари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёхатга олиб борилди. Таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 200 нафари Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро

шаҳарларига, 570 нафарининг Наманган ва Фарғона вилоятининг диққатга сазовор жойларига саёхати ташкил этилди. Шунингдек, ногиронлиги бор шахслар, бола парвар иши учун тилда бўлган ёш оналар, кам таъминланган оила ва-

килларига доимий равишда кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Таълим соҳасида юқори натижа қайд этган 318 нафар педагог бепул йўланма асосида юртимиздаги сўлим санаторий ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлади. Ёз мавсумида аъзоларнинг 3 минг нафардан ортиқ фарзандлари имтиёзли йўланмалар орқали оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлишди.

Спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, ходимларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спортнинг қатор турлари бўйича мусобақалар ташкил этиб келинмоқда.

Мустақилликнинг 31 йиллиги ва янги ўқув йилининг бошланиши олдидан таълим тизимида меҳнат қилиб келаётган, кам таъминланган, эҳтиёжманд, «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар фарзандларининг 400 нафарига ўқув қуроллари совға қилинди.

Мухтасар айтганда, ҳеч бир аъзо эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Бундан кейин ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ортаси-ортдаки, асло камаймайди...

Лолақон АҲМЕДОВА,
Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Эътибор



Сирдарё вилояти



Касабани уюшмалари – болаларга!

Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши томонидан истиқолнинг 31 йиллиги муносабати билан тизимда фаолият юритаётган 42 нафар боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар фарзандларига 15 турдаги ўқув қуроллари тарқатилди.

— Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор, — дейди Мунаввар Кочикова. — Тумандаги 21-мактабда фаррош бўлиб ишлайман. Касабани уюшмаси эътиборида эканимни доимо ҳис қилиб яшайман. Мактаб сумкаси, ўқув қуролларини қабул қилиб олган фарзандимнинг шодлиги чексиз.

Тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар, барча йўналишларда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди.

Мурод ҲАЙТҚУЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси Сирдарё тумани кенгаши раиси



Андижон вилояти



Спартакиада

Андижон туманидаги «Боғишамол» болалар оромгоҳида металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабани уюшмаси спартакиадасининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Қизғин ва муросасиз

Спортнинг мини футбол, сузиш, арқон тортиш, стол теннис ва шахмат, шашка турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда 13 та корхона, ташкилот ва муассаса жамоалари қизғин баҳсларга киришди. Айниқса, футбол, шахмат ўйинлари қизиқарли кечди. Тўпурарлар бешлашвида «Уз-Тонг Хонг Ко» кўшма корхонаси жамоа-

сига тенг келадигани топилмади.

— 60 йилдан бери ақл гимнастикаси дея таъриф олган шахмат билан шуғулланаман, — дейди спартакиаданинг энг кекса иштирокчиси 73 ёшли Андижон машинасозлик институти доценти Эркинжон Қўлдошев. — Гарчи ёлиб бўлмасам-да, баҳсларнинг қизғин, муросасиз кечганини кўриб, республикамиздан кўплаб

дунёни забт этадиган чемпионлар етишиб чиқишига амин бўлдим.

Ғолиблар спартакиаданинг республика босқичига йўлангани кўлга киритиш билан бирга диплом, кимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

ФАРЗАНДЛАР ШОДЛИГИ ЧЕКСIZ



**КЎЗИМНИНГ ҚАРОҒИ
ҚОРАҚАЛПОҒИМ**

Таниқли шоир-у ёзувчилар, илм-у фан ар-боблари, санъаткорлар, кино санъати даргаларидан иборат «Маънавият карвони» қардош халқ хузурига – Қорақалпоғистонга йўл олди.

Қорақалпоғистон деганда кўз ўнгимизга мард ва танги инсонларга ватан бўлган, ориятли ва бир сўзга эл яшайдиган муқаддас замин келади. Бепоев чўл бағрида олмосдек товланган Ақчакўл, қадим тарих, қадим маданият ва цивилизациянинг тирик тимсоли бўлган Тупроққалъа, Аёзқалъа, Катта Гулдурсунқалъа кўнглингизга фахр беради. Бу бетимсол зиёратгоҳларни бир кўрган, бепоев кенгликларида оқинлардан, бахшилардан, жировлардан дoston-у термалар эшитган киши бу ўлкадан кетгиси келмай қолади.

Фидойи ва меҳнатсевар халқнинг улкан меҳнати туфайли Қорақалпоғистон бугунги кунда Ўзбекистоннинг замонавий илм-фан, маданият ва туризм масканига, фаровон ва обод ҳудудига айланмоқда.

Бу донишманд халқ ўзининг бетакрор адабиёти, санъати билан барчани ҳайратга солиб келган. Кўнхўжа, Ажиниёз, Утев ва Умар каби сўз усталари фахр билан эсланади. Зукко ва оловюрк шоир Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг:

*Умрим бўйи ёндим, куйдим,
То ўлгунча юртни суйдим.*
деган сатрлари тоза имон соҳибининг қалб садоларидир.

Шоирнинг «Ақимбет», «Ойдуз бобо», «Амангелди», «Эрназарбий» асарларини ўқиркансиз, «Мен ўлмасман, ўлсам, сўзим қолгуси, халқим мени мудом ёдга солгуси», «Мард йигитни агар севса элати, кундан-кунга ортар унинг қувати», «Қайғу тарқар ботир билан, мард билан», «Султон бўлма ёт элинда, чўпон бўлгин ўз чўлингда» каби ҳикматли сўзлари ўқувчини ҳамisha оғоҳликка даъват этиб тураверади. Авлодларга йигирма минг мисрадан ортқ шезр ва дostonларни мерос қилиб қолдирган ижодкор ҳамма замонларда эъозланишга муносибдир.

Атоқли адиблар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Тулепберген Қайиббергенов ҳамда Ибройим Юсупов XX аср қорақалпоқ адабиётининг улкан ва бетакрор сиймолари эди.

*Аму! Йўқ бу сўзни, мен сизга айтсам,
Бепарво талаффуз қилолмас халқим!*
Аму бўлмаганда бу ерни биз ҳам «Қорақалпоғистон» демасдик балким.

Азим қорақалпоқ диёрида ўз санъати билан бутун дунёни лол қолдирган Оймихон Шомуротова, Отажон Худойшукуров, Замира Давлетмуратова, Байрам Матчанов, Нажмиддин Муҳаммедов, Нажмиддин Ансатбоев, Тамара Дошумова, Муяссар Раззоқова, Гулпаршин Сиримбетова, Мирзагул Сапаева, Айгул Надинова, опера санъати устаси Абат Каллиев, опера хонандлари Женисбек Пиязов ва Элиза Айтниязова, Ақилбек Пиязов, жиров ва бахшилардан Ғайратдин Утемуратов, Тенилбой Қаллиевларни юртимизда кўпчилик танийди.

Мамлакатимизнинг илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшган марҳум академиклар Марат Нурмухаммедов, Собир Камолов, Чаржоу Абдилов, Абат Даулетов, Амин Бахиев, Турсинбай Ешанов, Жуманазар Бозорбоевлар-

нинг илм йўлидаги фаолияти бугунги ёшларимиз учун намуна бўлиб хизмат қилса не ажаб!

Бахшичилик – икки дарё Жайхун ва Сайхун ораллигидаги цивилизацияларни яратиш қудратига эга бўлган улғ аждодларимиздан мерос. Маҳорат билан ижро этилган «Алпомиш», «Йидиге», «Қирқиз» дostonлари бултур сентябрда Нукусда бўлиб ўтган халқаро бахшичилик санъати фестивалида янги номларни элга танитди. Кўп томлик «Қорақалпоқ фольклори» тўплами чоп этилди.

Қорақалпоқ бахшичилик мактаби икки йўналишдан иборат. Булар бақси – ички овоз услуби, дутор ва ғижжак жўровозлигида ҳамда жиров – бўғиқ овоз услубида, кўбиз жўрлигида ижро этилади. Ҳар бир мактабнинг ўзига хослиги, оҳанги, жаранги-ю жилоси бор. Дoston ва термаларда тизилган воқелиklar, инсоний туйғуллар инсон маънавияти ва тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

**«САҲРОДАГИ
ЛУВР»**

Қорақалпоғистоннинг асосий туристик объектларидан бири бўлган И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи «Саҳродаги Лувр», «Шарқ маржони» деб ҳам аталади.

Музейда сақланаётган қорақалпоқ миллий қадриятларига оид экспонатларни кўриб, машҳур рассомларнинг санъат асарларини томоша қилиб, таҳсин айтгиниз келади.

Музейнинг қимматбахо экспонатлари саналимиш гиламдўзлик ва каштадўзлик буюмларида халқнинг этник ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган. Машҳур рассом ва коллекционер Игорь Савицкийнинг ўзи чизган полотноларда бир-биридан чиройли ўтовлар ҳам гавдалантирилган.

Ҳайрат билан кузатганимиз – қорақалпоқ аёлларининг миллий кийимлари бўлди. Кийимлардаги нақшлар услуби кўпроқ ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда хўжалик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тиқиллари эса нозик ва жозибали, товландона.

«Саҳродаги Лувр» ўзининг бебаҳо дурдона экспонатлари билан дунё санъати ихлосмандлари эътиборини қозонган. Музейда графика, ҳайкалтарошлик, таъсиринг ва амалий санъат намуналари, турли археологик топилмалар, эт-

нография буюмлари, қадимий суратлар, тарихий ҳужжатлар сингари юз мингга яқин нодир экспонат жой олган.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ёш тадқиқотчилари Асилбек Қолқанатов ва Гулмира Бектурсынованин қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, қадриятларига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромини кўриб ҳайратландик. Асилбек археологик топилмалари, Гулмира эса қорақалпоқ аёлларининг миллий кийимларини шундай тасвирлайдики, уларнинг олиб бораётган илмий фаолиятларига, сабоқ берган устозларига ҳавасимиз келди.

Музейга ташриф буюрувчилар билан суҳбатлашар эканмиз, қорақалпоқ халқининг урф-одатларида эзгулик ҳамда инсонпарварлик ғоялари муҳасаммашгани ва бу музей Ўзбекистоннинг етти мўъжизасининг бири сифатида бежиз тан олинмагани амин бўлдик.

**МЎЙНОҚДАГИ
«КЎҚОН БОҒИ»**

Ўтган асрнинг охирига келиб, экологик офат ёқасига келиб қолган, кичик овулга айланб бораётган Мўйноқ тумани Президентимизнинг ташаббуси билан қайта тикланди. Бугун Мўйноқ замонавий инфратузилмага эга, саноат корхоналари барпо этилган, марказида спорт мажмуаси, Адиблар хиёбони, маданият саройи мавжуд бўлган гўзал шаҳарга айланди. Сўнгги уч-тўрт йилда бу ерда амалга оширилган ишлар ҳайратланарли даражада.

Илгари Мўйноқ дейилса, туз конига айланган олис туман кўз олдимизда гавдаланар эди. Мўйноқ бугунги кунда юртимизнинг энг олис ва чекка тумани эмас, балки қайноқ воқеалар марказидаги ҳудудлардан бирига айланди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда унинг Фарғона филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ташаббуси билан бундан тўрт йил муқаддам Оролбўйи ҳудудига, аниқроғи, Мўйноқ туманида боғ яратиш режалаштирилган эди.

Институт ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Йўлдошев Кўқондан Нукусга жўнатилган кўчатлар, ўша йиллар заҳматини шундай ҳикоя қилади:

– Институтнинг Кўқон шаҳридаги филиали доценти, филология фанлари номзода (раҳматли) Рашидхон Шукуров билан қандай дарахт кўчатлари Мўйноқ шароитида ўсиб кетиши мумкинлиги ҳақида кўп масалашадик. Яна савол туғилдики, мевали дарахт кўчатини ҳам экиш мумкинми? Сув масаласи нима бўлади?

2018 йилнинг январь ойидан Кўқонда кўчат йиғиш ишлари бошланди кетди. Февраль ойининг охирига қадар юз минг тул мевали дарахт кўчатлари ҳамда тез ривожланувчи Калифорния тереги қаламчалари тўпланди. Бу ишда жамоамиз билан бирга кўқонлик саховатпеша тадбиркорлар ҳам катта кўмак

беришди. Тўпланган кўчатларни Мўйноққа жўнатиш осон кечмади. Кўчатлар зудлик билан Мўйноққа – олдиндан туман ҳокимияти билан келишиб кўйилган ерга жўнатилди. Шунда яна бир муаммо пайдо бўлди: Мўйноқда ер ҳануз муздан эриммаган экан, музлаган ерга эса кўчат экиб бўлмайди. Ер қавлайдиган трактор ёрдамида катта чуқур қазилиб, кўчатлар совуқ уриб кетмаслиги учун кўмиб кўйилди. Март ойи ўрталарида кўчатларни екиш бошланди. Бунда институтнинг Нукус филиали жамоаси катта меҳнат қилди. Улар ёз ойларида суғоришга ҳам бош-қош бўлишди. Мўйноқ тумани ҳокими боққа қандай ном берилишини сўраганида, мен «Маданият боғи» десак бўлармикан, деб жавоб бердим. Шунда ҳоким кўчатлар жуда олисдан, яъни Кўқондан келтирилганини айтиб, шунинг учун боғни «Кўқон боғи» деб ата-сак, нима дейсиз, деб қолди. Шу-шу янги боғнинг номи «Кўқон боғи» бўлди.

Биринчи йил анча қийин кечди. Аммо кўпчиликнинг машаққатли меҳнатлари эвазига кўчатлар гуркираб ривожланди. Бугун боғимизга келган инсоннинг кўнгли роҳатланади. Боғ эстагида «Оқ кема» болалар оромгоҳи ҳам ишга туширилди. Демак, яқин келажакда бу боғнинг меваларидан оромгоҳда дам олаётган болалар ҳам баҳраманд бўлишади.

Ҳа, Ўзбекистоннинг у бурчагидан бу бурча-

**Янги Ўзбекистонда эл азиз,
инсон азиз!**



Сайёра ТҮЙЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
шоира

Бешта кам таъминланган оилага янги уй-ларнинг қалити топширилиши ҳам катта байрамга айланб кетди. Ушбу байрам тадбирида сўзга чиққан Меҳрибон Юсупова, Мунаввар Утаганова ва Дармонжон Холмуратова давлат раҳбарига кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорлик билдиришди.

Туманда қай бир ҳовлига кирманг, дарахтлар, гуллар экилган. Томорқада етиштирилган сабзавотлар, ишқомлардаги узумлар билан дастурхон тузган юртдошлар йўлингизга пешвоз чиқишади. Озод овулда истикомат қилаётган хунарманд Ҳамро бобо Бердишев 87 ёшда, аёллари Тозагул она 85 ёшда экан. 8 фарзанд, 40 невага, 20 нафар эвара йиғилган ҳовли бамисоли тўйхонани эслатади. Ҳамро бобо қўлигул уста, ўзининг ҳам, фарзандларининг ҳам уйларидаги дуррадорлик ишларининг ҳаммасини ўғиллари билан ўзлари қуришган. Шунингдек, бобонинг қўлида сайқал топган ўзбек дутори, туркман дутори, қорақалпоқ дутори, ғижжак каби му-сиқа асбоблари кишининг ҳавасини келтиради. Ҳамроҳимиз Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов қатор териб қўйилган дуторлардан бирини олиб, кўшиқ куйлайди, Ҳамро бобо жўр бўлади.

Манзарани кузатиб, нафақат Беруний тумани, балки бутун Қорақалпоғистонда мустақиллик байрами арафасида халқнинг кўнглини, дуосини олаётган саховатпеша инсонлар, мард тадбиркорлар, таниқли санъаткорларнинг шу эл, шу юрт равнақи учун олиб бораётган фидойи меҳнатларига таҳсин айтигимиз келди.

Туман ҳокими Отабек Сағирбоев тадбиркорларни байрам билан қутлар экан, яхши ният, яхши меҳнат, яхши тадбирлар юртдошларимизнинг бугунги шукроналиклари, самимий изҳорларида бўй кўрсатаётганини алоҳида таъкидлади.

Қорақалпоғистон халқ артисти, афсонавий Тамара Дошумованин «Дэмбермес» кўшиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримовнинг халқона оҳанглари, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Каримбой Раҳмонов ва Клара Шомуротованин ўзбек ва қорақалпоқ термаларини моҳирона куйлашлари барча муҳлисларга завқ-шавақ ато этди.

Гуруҳ раҳбаримиз, профессор Нозим Қосимовнинг учрашувларда айтган ўзбек ва қорақалпоқнинг билриги, юртининг тинч-осойишталиги ҳақидаги асосли фикр-мулоҳазалари ҳамма учун қизиқарли бўлди.

Жайхун соҳилларида умргузаронлик қилаётган замондошларимиз билан дийдор учрашувлар ниҳоятда мароқли кечди.

*Қайда юрсам соғинтирар,
Она юртим томонлари.*

*Ҳаёлимда сахар-сахар,
Эсар Жайхун шамоллари.
Атиргул териб чўллардан,
Гулрайхон чаманлардан,
Бизнинг бул гўзал эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.*

Танти қорақалпоқ элининг азиз фарзандлари Ибройим Юсупов ва Отажон Худойшукуров ҳамкорлигида яратилган мана шу дилбар тарона замиридаги эл-у юртга меҳр, она тупроққа фидойилик ва соғинч ҳисси билан пойтахтга қайтар эканмиз, «Маърифат карвони»нинг Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасидаги сафарлари юрт тараққиёти ва эзгуликка хизмат қилмоғини чин юракдан ният қилдик.

**БЕРУНИЙДА БАЙРАМ
ШУКУҲИ**

Беруний тумани Қоратов адирлари, Амударё бўйларида жойлашган. Содда, самимий, меҳнаткаш одамлари адабиётни, санъатни шу қадар яхши кўрадики, шезр ўқисанг, шезрингга, қўшиқ айтсанг, қўшиғингга қўшилишиб, бирга куйлайди. Овулар-у маҳаллардаги учрашувларда ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ миллатига мансуб, дили, тили ва ниятилари бир хил инсонларнинг бир-бирига бўлган ширин муносабатини кўриб, кўнглингиз яйрайди.

Тумандаги «Янгиобод» маҳалласида яшовчи, муборак ҳаж сафарида бўлиб, зиёратдан қайтган Халилла ота ва Турсуной онанинг шукроналарини тингласангиз, кўзингизга ёш келади: – Ўзбекистондан борган ҳожилар қаторида болаларимизнинг иқболлини сўрадик, юрт фаровонлигини сўраб, дуолар қилдик.

Беруний туманидаги ахборот-кутубхона марказида ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ ва бошқа тиллардаги адабиётлар мавжуд. 54 мингдан ортқ китоб ресурсларига эга кутубхона марказида фарзандлари билан бирга китоб излаётган она-ларни ҳам кўрдик. «Саройкул» овул фуқаролар йиғини фаоли Феруза Нуруллаева, «Шаббоз» маҳалласидан Сайёра Қурбонбоеваларнинг фарзандлари даврасидаги адабий суҳбатларини тинглар эканмиз «Билимдон болаларни билимдон оналар тарбиялайди» деган нақлга яна бир бор ишонгимиз келди.

Туман ҳокими ўринбосарлари билан қирқ нафардан ортқ аёлга тикув машиналари, уй жиҳозлари топширар эканмиз, «Аёллар дафтари»га кирган опа-сингилларимизнинг озроқ бўлса ҳам мушкулларини осон қилиш, Муҳтарам Президентимиз олиб бораётган ислохотларнинг акс-садоларини ҳис қилаётган юртдошларимизни мустақиллик тантаналари билан табриклаш бизларга ҳам ўзгача сурур бахш этди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ёш тадқиқотчилари Асилбек Қолқанатов ва Гулмира Бектурсынованин қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, қадриятларига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромини кўриб ҳайратландик. Асилбек археологик топилмалари, Гулмира эса қорақалпоқ аёлларининг миллий кийимларини шундай тасвирлайдики, уларнинг олиб бораётган илмий фаолиятларига, сабоқ берган устозларига ҳавасимиз келди.





Тақдимот

Маънавият

ХАЗИНАСИГА ҚЎШИЛГАН ДУР

Янги китобнинг яралиши маънавият осмониди янги юлдуз пайдо бўлишига ўхшайди. Бу асарни мутолаа қилиш, у ҳақда эшитиш янги юлдузнинг ёғдусидан баҳра олишдек мароқли бўлади.

Филология фанлари доктори, профессор Хамидулла Акбаров ўзбек кино санъатини чуқур ўрганган ва тарғиб қилган, ушбу соҳага бағишлаб ўнлаб асарлар ёзган олимлардан бири саналади. Унинг сўнгги йилларда яратган «Дийдор кўриш-ганга нима етсин», «Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар» деб аталган китобларига ўзбекистонлик атоқли ижодкорлар ҳамда ҳозир қизғин фаолият юритаётган кўплаб санъаткорлар билан суҳбатлар, воқеавий новеллалар, шунингдек, соҳага ҳамда ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқарли воқеалар баён этилган мақолалар киритилган.



Хамидулла АКБАРОВ

МАРОҚЛИ ФАСЛЛАР, эъзозли мусоҳиблар

«Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар» асари тўрт қисмдан иборат. Унинг ilk бобида муаллифнинг ота-онаси бағрида ўтган болалик йиллари, санъат ва илм оламига кирайиб келиши жараёнлари ҳақида сўз юритилади. Кейинги боблардан ўзбек кино ва театр санъатида ёрқин из қолдирган Манас Левиев, Берта Давидова, Галия Измайлова, шунингдек, сизу бизга замонадош Лола Элтоева, Розахон Ризамухаммедова, Дилбар Икромова, Ёлқин Тўйчиев каби эл суйган санъаткорлар билан бўлган қизиқарли ва дилкаш мусоҳабалар ўрин олган. Асар «Ҳаётини йўл босқичларига бағишланган китобимизда ота-онамизга ҳамроҳ бўлиб келган, бизга замонадош бўлиб келаётган мусоҳиблар билан ўтган дамларни ҳам қаламга олдик. Учрашувлар йиллар мобайнида давом этиб келмоқда» деган сўзлар билан якунланган.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Хамидулла Акбаровнинг ҳар иккала китоби тақдими бўлиб ўтди. Биз бундай сермазмун учрашувларнинг давомини кутиб қоламиз.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»



СПОРТ

Журналистикасида ўз сўзи бор



80 йиллик умрининг қарийб 60 йилини спорт журналистикасига бахш этган Азим Алимов дарёдил инсон.

Унинг болалиги Тошкентнинг «Кўшбозор» маҳалласида ўтган. Спортга, айниқса, футбол болга бўлган иштиёқнинг кучлиги боис болалигида таниқли мураббий Маъруф Акбаров ташкил этган футбол машғулотларига қатнайдди. Бир неча йилдан сўнг ўша пайтдаги «Сокол» жамоасига қабул қилинади. Жамоа таркибида Валерий Любушин, Игорь Малиновский каби таниқли футболчилар бор эди. Кейинчалик олинган жароҳат сабабли футбол билан хайрлашишга тўғри келади ва 2-полиграфия билим юртида ҳарф терувчи бўлиб ишлайди.

Азим Алимов Тошкент давлат университети филология факультети қошидаги журналистика бўлимида таҳсил олган, «Сирдарё ҳақиқати» газетасида фаолият

бошлайди. Бу орада ҳарбий хизматни ҳам ўтайди.

1968 йилда Ўзбекистон радиосида иш бошлаган Азим аканинг меҳнат фаолиятида янги саҳифа очилди. У дастлаб «Ахборот» бosh тахририятида ишлади, спорт бўлимини ташкил этишда фаол иштирок этди. 1970 йилдан 2012 йилгача Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг спорт бosh тахририятида мухбирликдан бosh муҳаррирликкача бўлган йўлни босиб ўтди. У нафақат футбол, балки спортнинг бошқа турларини ҳам шарҳлашда ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Устознинг «Спорт» телерадиоканалининг тетапоя бўлишида муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда шарҳловчилик мактабининг янги вакиллари воёга етди. Комил Жумаев, Мурод Ризаев, Сапармат Сафаров, Малика Муродова, Мусурмон Элмуродов сингари иқтидор эгалари ўз меҳнати, устознинг ўғит ва маслаҳатлари туфайли элга танилди.

Касб сирларини устозини Нўмон Насимовдан, журналистиканинг назарий асосларини эса Анвар Шомаҳсудовдан ўрганганман ва улардан бир умр миннатдорман, – дейди Азим Алимов. – Қадрдон дўстларим Шоабдулла Муҳаммаджонов, Роман Турпишев, Тўлқин Илҳоров, Талъат Солиев, Азим Пўлатов ва бошқалар билан ёнма-ён ишладик, «Пахтакор»нинг ўйинларини нафақат шарҳладик агар ютса, миллионлаб мухлислар қатори суюндиқ, ютқазса, куюндиқ.

– Азим ака Алимов ўрнак олса

арзийдиган фидойи устозлардан, – дейди таниқли шарҳловчи Мирзаҳаким Тўхтамирзаев. – У киши билан суҳбатлашган инсон дилдан яйрайди. Самимий, ютуқларимизни кўриб қувонади, баъзи масалаларда ҳолисона фикр билдиради. Меҳнаткаш, вақт билан ҳисоблашмасдан ишлашни ёқтиради. Юртимизнинг турли ҳудудларида сафарда бўлиб, ёшларга хос азм-у шижоат кўрсатганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Азим ака турмуш ўртоғи Машхура ая билан фарзандлари – Зиёдулла, Фариди, Зафар ва Диёр ҳамда ўн



нафардан ошиқнабираван эвараани тарбиялаб, элга кўшиди. Гарчи у киши ҳозирги кунда пенсияда бўлса-да, маҳалла ташвишлари билан бирга, Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгашининг фаол аъзоси, республика футбол фахрийлари кенгашининг эзгу ишларида доим елкадош.

Хусан ТЕМИРОВ, журналист



Андижон вилояти

Избоскан туманидаги «Даминбойчек» ва «Оқ олтин» маҳаллалари ўртасида намунавий лойиҳа асосида 110 та ўй қурилган. «Оқ олтин» маҳалласи ҳудудидаги ушбу хонадонларда асосан ёш оилалар яшайди. Аммо бу ерда стадион, болалар майдончаси, гузарча ва шунга ўхшаш инфратузилма объектлари йўқ.



Ечимини кутаётган муаммо

Инфратузилмасиз НАМУНАЛИ УЙЛАР

Бир вақтлар собиқ туман архитектура ушбу савол берилганда «лоийҳада кўрсатилмаган», деганди. Агар бу янги тураржойларда яшаётган ёш оилаларнинг аксариятида икки нафардан фарзанд улғаяётганини ҳисобга олсак, стадион ва болалар майдончаси сув ва ҳаводай зарур. Яна бунга шу атрофдаги иккита маҳалланинг болаларини ҳам қўшинг.

Энг қизиғи, мазкур ҳудуддаги уйлар оралиғидаги 1,5 гектардан зиёд юқори кучлишли электр тармоғи ўтган ерга

кўз очиб юмгунча аҳоли томонидан уй-жой солиб юборилди. Аслида хавфсизлик нуқтаи назаридан бу мумкин эмас, ҳеч бир қонун-қоидага тўғри келмайди.

– Теварак-атрофдаги қишлоқлардаги намунавий уйларни кўриб, жуда ҳавасим келади, – дейди шу ҳудудда яшовчи тадбиркор Жаҳонгир Маҳкамов. – Қанийди, бўш ер бўлса, болаларимизга яйраб-яшнаб ўйнайдиган стадион куриб берардик. Бизга ер ажратиб берилса, у ёғини ўзимиз эплардик.

топширилган цемент-бетон қопламали ички йўллар чала-чулла, битмасдан фойдаланишга топширилиши оқибатида йўллар ёрилиб кетмоқда. Одамларнинг мутасадди ташкилотларга қилган мурожаатлари эса жавобсиз қолмоқда. Яна 2-3 йилдан кейин бу йўлнинг қандай аҳволга келишини эса тасаввур қилиш ҳам қийин.

Эҳтимол, туман мутасаддилари одамларнинг мушуқулларини аритишар.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»



Жиззах вилояти

Орамиздаги одамлар

Сафар Жўраевни Зарбдор туманида танимаган, билмаган одам топилмаса керак. Тумандаги «Янги ҳаёт» маҳалласининг жонқуяр нурунийларидан бири бўлган отахон умрини халқ таълими ривожига бағишлаган.

ЭЛ ИШОНЧНИ ОҚЛАБ...

У киши 1975 йилда Сирдарё педагогика институтининг математика факультетини тугатган, Зарбдор туманидаги 2-умумтаълим мактабида, кейинчалик 9-умумтаълим мактабида ўқитувчи, 8-, 23-умумтаълим мактабларида ўқув бўлими мудири лавозимида ҳам ишлади.

Таҷрибали педагог 2014 йилда пенсияга чиқди. Бироқ ишлаб ўрганган киши уйда ўтира олмас экан. Шу аснода Зарбдор тумани нурунийлар кенгаши раиси Абдулла Азимов унга ўзига мос иш таклиф қилди. Катта ҳаётини таҷриба ва чуқур билимга эга отахон «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилик юмушларига киришиб кетди. Мана, 7 йилдирки, у ўзига билдирилган ишончни оқлаб келмоқда.

Сафар Жўраевнинг ташаббуси билан маҳаллада «Бир нуруний ўн ёшга масъул» тамойили изчил амалга оширилмоқда. Ҳудуддаги маънавий тарбия ва амалий кумакка муҳтож ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳамда ёшларга бириктирилган нурунийлар иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш

ҳам муҳим масала саналади. Ўтган йили хусусий корхоналар ва фермер хўжалиқларига 70 нафардан ортиқ ёшлар ишга жойланди. Низоли оилаларда тушунтириш ишлари олиб бориш, янги ҳаёт оstonасида турган ёшларга турмуш ҳақида тушунчалар беришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бунда унинг кўпни кўргани, ҳаётини таҷрибаси қўл келмоқда. Ҳудуддаги 351 нафар пенсионер ҳам доимий эътиборда. Жумладан, 8 нафар ёлғиз пенсионер ва 2 нафар хаста отахондан мунтазам хабар олиб турилди.

Уз ишини севадиган, масъулиятни астойдил ҳис этадиган Сафар Жўраев 2018 йил «Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринга муносиб кўрилди. Шу йили у «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Маҳалладошларининг қувонч ва ташвишларини ўзиникидек қабул қиладиган Сафар Жўраевнинг ишларига омад ҳаммиша ёр бўлсин. Зеро, шундай инсонлар бор экан, элнинг ҳам ташвишлари кам бўлади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

2015 йилда Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей томонидан Абдурахимова Умида Уктам қизи номига берилган LN255939 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши жамоаси кенгашининг Молия бўлими мутахассиси Саибжон Нуриддиновга онаси **ТУРДИХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-5009
772010500001

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:
Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сўҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бosh муҳаррирнинг биринчи ўринбасари),
Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бosh муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов
Мусаххиллар:
Д. Худойберганава,
Д. Равшанова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **00:50**
Топширишди – **01:10**
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г-806**
31553 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**
1 2 3 4 5 6
Баҳоси келишилган нарҳда
Манзилми:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ispoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130